

# O'zbekiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI □ 2000 YIL 26 SENTABR SESHANBA № 114 (26.664)

## ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчил амалга оширилган ислохотлар, кўла қиритилган ютуқлар хорижий давлатлардаги нуфузли илм даргоҳларининг номояндлари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Бу ўзгаришларнинг бошида турган Президент Ислам Каримов кўлаб обрўли академияларнинг фахрий аъзоси, университетларнинг фахрий доктори унвонларини олган.

25 сентябрь куни Оксарой қароргоҳида бўлиб ўтган тадбир мамлакатимиз ташкилот тароққибат йўли тўғрисидаги ва жаҳон афкор оммаси эътирофининг яна бир намойишига айланган. Шу йил 29 май куни Нидерландиянинг Фонтис университети илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентига «Фахрий доктор» унвонини беришга қарор қилган эди. Маросимда мазкур университет президенти Норберт Фербраак Ислам Каримовга «Фахрий доктор» дипломи ташкилот равишида топширди.

Фонтис университети 1949 йили ташкил этилган. У Голландиядаги олиқ касбий таълим берувчи муассасаларнинг энг йириги ҳисобланади. Фонтис сафига ўттиздан зиёд ўқув марказлари, институт, факультетлар бирилган. Уларда уч мингтақри мураббий 30 миңдан зиёд талабага амалий технологиялар, халқаро транспорт, иқтисод, молия, банк ва сурғури тили, соғлиқни сақлаш, санъат, психология каби талай йўналишлар бўйича таълим беради. Университетнинг нуфузи, илмий даражаси ва салоҳияти ҳақида олиқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг йиллик бюджети 200 миллион еврадан зиёд эканлигини айтишнинг ўзи kiffo.

Фонтис университети бир неча мамлакатда бўлиб ўтказилган конгрессларга ва ўлим-фанни ривожлантириш борасида Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осие тароққибат бан-



ки каби кўлаб халқаро ташкилотлар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайтда у Ўзбекистонда ҳам бир неча лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ҳаётга таъбиқ этилаётган лойиҳа доирасида мазкур университетда Интернет билан уланган компьютер тармоғи барпо этилди, уни бошқариш учун мутахассислар хорижда тайёрларилган ўтказилди.

Фонтис раҳбарияти Ўзбекистонга Президент Ислам Каримовга диплом топшириш билан бирга, бошқа хайрилик ишлар билан ҳам келган. Улар орасида Ўзбекистон — Голландия университетини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, мамлакатимиз таълим масканлари билан алоқаларни янада чуқурлаштириш мақсадларини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Илим-фан чегара билмайди. Бу ҳақиқат дунёда глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган ҳозирги пайтда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Маросимда таъкидланганидек, турли ўлка одамлари турлича шароитда ҳаёт кечиради. Масалан, Голландия заминининг 50 фоизи денгиз сатҳидан қуйида жойлашган, шу боис мамлакат аҳлини сув ҳайдаб ер очиб йўлидаги ўзига хос курсаш жиҳлатириган. Ўзбекистонда бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Бизда сув танқислиги муаммоси мавжуд. Лекин ҳар икки шароитда ҳам олимлар, мутахассислар бир-бирининг тажрибасидан фойдаланиши яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки, бу икки хил қураш аслида икки қутбга ўхшагани билан, уларнинг тартиби, тузилиши, фойдаланилаётган технологиялар, мазмуни даярили бир хил. Бу бир мисол, холос. Моҳият шундаки, илм-фан марказлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш катта натижаларга олиб келишини инобатга олган ҳолда, бу соҳадаги алоқаларни кенг ривожлантиришга киришишди.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг та-

шаббускори Президент Ислам Каримов малакали кадрларнинг порлоқ келажакни тасаввур қилиш мумкин эмаслигини кўп бор таъкидлаган. Айни пайтда, мазкур дастурга мувофиқ, юртимизда таълим соҳаси кенг ислоҳ қилинмоқда, кўлаб янги коллеж ва лицейлар очилмоқда, талаба ва ўқувчиларимиз чет эллардаги нуфузли илм масканларида таҳсил олмақда. Ўзбекистон олий ўқув юрлари хориждаги турдош илм муассасалари билан ҳамкорликни тобора ривожлантиряпти.

Фонтис президенти мамлакатимиздаги ана шу ўзгаришларни таъкидлар экан, Ўзбекистонни янги равишда янги демократик жамият қурилиши йўлидан бошлаб бораётгани, ўз асарлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшаётгани учун Ислам Каримов шундай юксак унвонга сазовор бўлганини таъкидлади. Яна бир муҳим жиҳатни таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Президенти Фонтис университетининг фахрий докторлик унво-

нини олган ягона давлат раҳбаридир.

Ислам Каримов бу унвон Ўзбекистон эришган ютуқларининг яна бир эътирофи эканлигини қайд этар экан, айни пайтда таълим соҳасидаги улкан ислохотлар самараси, бу ислохотларни амалга оширишдан инсонларнинг меҳнати, мамлакатимизнинг ақлий салоҳияти, ўзбекистонликлар юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг илмий меросини асраб-авайлаб, ўрганиб, ривожлантиришнинг халқаро майдондаги таъкидлади. Шу билан бирга, Президентимиз ўзига «Фахрий доктор» дипломининг тақдими этилишини янада яқинроқ ҳамкорликка тақлиф, деб билишини ва Фонтис раҳбариятининг ташаббусларини кўлаб-қувватлашини маълум қилди.

АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан, Голландия мисолида кўриш мумкинки, ҳар қандай тароққибат, қудратли иқтисодий асосида ақлий бойлик ётади. Таълим соҳасига ётирилган сармоя вақти келиб қатъ қатъа самара беради. Ўзбекистонда бюджетнинг учдан бир қисми таълим соҳасига сарфланаётгани, имкон қадар кўпроқ ишларимизнинг чет эллардаги нуфузли илм масканларида ўқишга жўнатилаётгани, мураббийларнинг таъриба олиши ва малака ошириш учун хорижа сафарлари уюштирилаётгани шундан. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги остида барча соҳалар каби, таълим, илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

■ Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА мухбири  
Суратда: диплом топшириш пайти.

■ Муҳаммад АМИН  
(ЎЗА) олган сурат

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 сентябрь куни Оксарой қароргоҳида Берлин шаҳрининг амалдаги бургомистри Эберхард Дипгенни қабул қилди.

Тошкент билан Берлин ўртасида 1993 йили ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди. Шундан буён икки шаҳар аҳли ҳар соҳада ҳамкорлик қилиб, тажриба алмашиб келади. Укувчилар, спортчилар, тур-

ли касб эгаларининг бордикелдилари кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, қурилиш, қорхоналарни санация қилиш, қилич ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва кўлаб-қувватлаш борасида яхши ҳамкорлик мавжуд.

Президентимиз Ўзбекистон ҳукумати Тошкент билан Берлиннинг ўзаро алоқаларини нафақат шаҳарлар, балки мамлакатларо ҳамкорлик, деб билишини таъкидлади. Берлин бургомистри қабул

учун Президентга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга келишидан мақсад ҳамкорликнинг янги қирраларини очиб имкониятларини ўрганишдан иборат эканлигини қайд этди.

Учрашувда Тошкент билан Берлин, шу орқали, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасида фикр алмашилди. (ЎЗА)

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар!  
Барчангизни 305 миң тонналик юксак пахта хирмони бунёд этиб, йиллик шартнома-режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизлар кўла қиритган бу катта ютуқ — пахта тайёрлаш режасининг сентябрь ойида урдаланиши — Ўзбекистон пахтачиларининг тарихида мисли кўрилмаган воқеадир.

Мен бу галабани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошираётган иқтисодий ислохотларимизнинг, ўз ери, ўз мулкига эга бўлган деҳқонларимиз гайрат-шижоясининг, барча вилоят аҳли меҳнатининг самараси, деб биламан.

Халқимиз сизларни пахтачилик илмини чуқур эзалаган, илгор технология ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланиб, замонавий деҳқончилик мактабини яратган миришкор инсонлар сифатида юксак қадрайди. Сўзи билан иши бир,

доимо изланиб яшаيدиган, ташаббускор андижонликларга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди. Айниқса, мамлакатимиз хирмонига яна камида 30 миң тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганингиз ҳар қанча олқишга сазовордир.

Ишончим комилки, сизлар пахтачилик ва галабачиликда эришган ютуқларини янада мустақамлаб, барча соҳалардаги фидокорона меҳнатингиз билан халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Сиз, азизларни, барча андижонлик меҳнаткашларини бағримга босиб, ажойиб меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлайман. Ҳаммангизга узоқ умр, бахту саодат, хонадонларингизга тўқлиқ, қутбароқ тилайман.

Меҳнаткаш кўламингиз асло дард кўрмасин, азиз дўстлар!

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## АНДИЖОН МИРИШКОРЛАРИГА ОФАРИНИ

Ҳар соҳада пешқадамлик андижонликлар аънасосига айланган. Андижон вилояти деҳқонлари давлатга 305 миң тонна пахта топшириб мамлакатда биринчи бўлиб йиллик шартнома-режасини бажарганликлари ҳам ибратли ишлаш намунаси.

Хали август охиридаги дала оқликка, хирмонлар пахтага тўлди. Ҳосил қарвонлари йўлга чиқиб қўнғиларни қувонтирди. Шаҳрихон туманидаги академик Тошмуҳаммад Саримсоқов номили ширкат хўжалиги деҳқонлари 28 августда пахта топшириш шартнома-режасини бажариб қарвонбоши бўлган эдилар. Асака, Олтинқул туманларининг илгор пахтакорлари билан галаба муносабати билан Юртбошимиз қўлади. Бундай

эътибор пахтакорларни руҳлантириб гайрат-шижоятини оширди. Андижон, Избоскан, Жалолқудук, Балқичи, Шаҳрихон, Хўжаобод, Пахтаобод, Булоқбоши туманлари деҳқонлари ҳам давлат бюортомасини аллақачон бажариб қўйишди. Марҳамат, Бўз, Қўрғонтепа, Улуғнор туманлари пахтакорлари ҳам бугун-эрта зафарнома битадилар.

Андижонлик миришкорларнинг қўнғилда қувонч. Чунки пахтакорлар яратган ҳосил тоғлардан ҳам буйдор. Бу жуда катта меҳнат, изланиш натижаси.

— Бунақаси бўлмаган, — дейди юз билан юзлашаётган Эргаш бобо Вазев. — Ававалги сентябрнинг ўн бешида пахта теримига тушилди. Бу йил омадли келди. Сентябрьнинг йигирма бешида вилоятимиз бежани дундирганига балли дейман. Ило-

ҳим, юртдошларимизга шундай омад, қут-бароққа ҳамшира ҳамроҳ бўлсин.

Қўнни қўрган отахоннинг айтганлари кўпчилиқнинг қўнғилдаги истак.

Пахтачиликдаги илгарилар «Андижон технологияси»ни амалиётга тўри таъбиқ қилиш билан боғлиқ. Деҳқонлар қилични йилдан-йилга тақомиллаштириб борганлиқлари муваффақиятнинг кафолати бўлди.

Эришилган ютуқ андижонлик пахтакорларнинг қўнғилларини хуш этди. Улар янги режаю мақсадлар билан ҳосил йиғим-теримини қизгин давом эттиришмоқда.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

## ЮНЕСКОНИНГ «ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ ЙЎЛИДА» ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

### ДЕКЛАРАЦИЯ

Биз, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилиб, 2000 йилнинг 14 сентябидан 16 сентябгача Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» халқаро конгресси иштирокчилари:

1. Динлараро мулоқот соҳасида оид қатор масалалар юзасидан эркин ва чуқур мунозара қилиш натижасида эришилган ўзаро ишончга асосланган ҳолда тинчлик маданияти учун кураш йўлида муҳим қадам бўлган динлараро мулоқот ва ҳамкорликни қўлайлаштиришга қаратилган сўй-ҳаракатимизни давом эттиришга қатъий бел болаганимизни тасдиқлаймиз;
2. Ўз тасвияларимизни дин пешволари, ЮНЕСКО ва халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола қиламиз;
3. Ушбу тадбирни ўтказиш борасида қўрсатган ташаббуси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига ва ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацура Жа-ноби Олийларига алоҳида миннатдорлик ва эҳтиром билдира-миз;
4. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига ажойиб меҳмондўстлиги ва хайрихоҳлиги учун ташаккур ижор этамиз.


### ТАВСИЯЛАР

1. Барча динлар бош мақсад — тинчлик ва биродарликни қўлаб-қувватлаш тарафидан эканлини назарда тутиб, ЮНЕСКОнинг ахлоқий вазифаси халқлар ўртасида қардошлиқ ва ҳамкорликка қўмақлашишдан иборат эканидан келиб чиқиб, экстремизм ва террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши қораланиши шарт;
2. Динлараро, маънавий-руҳий аънавалар ва маданиятлар ўртасидаги тушуновчилик ва нотўғри талқинлар билимсизлик ва жаҳолат туфайли содир бўлаётгани боис таълимнинг барча босқичларида барча динларни ўрганиш ва англаб етишга ўстувор вазифа сифатида қаралмоғи лозим;
3. Ўтган йиллар давомида рўй берган воқеалар динлараро ҳур-мат ва эътироф йўлида гов бўлма-лиги, муайян вазият ў олиш ёки нафратга сабаб бўлган тақдирда, ҳар хил диний гуруҳлар ўртасида дўстона ҳамкорликни ривожланти-риш истиқболларини назарда ту-тиб, мавжуд камситишларга барҳам бериш, адоват ва таъбиқ этишга йўл қўймаслик учун динлар-ро мулоқот, имкони борича бўлиб ўтган воқеалар таҳлилга қаратилмоғи керак;
4. ЮНЕСКОнинг динлараро муло-қотини қўлаб-қувватлаш мақсади-да қуйидагилар амалга оширили-ши зарур:
  - а) халқаро институтлар, ҳукумат-

- а) академик институтлар, диний ва маданий муассасалар билан мулоқот, тинчлик ва биродарлик руҳида ҳамкорлик қилиш;
- б) халқаро ўзаро тушуниш йўли-да таълимни кенгайтиришга йўнал-тирилган сўй-ҳаракатларга қўмақ-лашиш;
- г) институтлар ва ташкилотлар тармоғи ўртасида тинчлик соҳаси-да таълимни кенгайтириш ва бу йўналишдаги имкониятларни қидириб топиш.

7. Зўравонлик хуружининг ол-дини олиш учун ЮНЕСКО ва халқаро ташкилотлар қуйидаги-ларни амалга ошириши лозим:
  - а) Зўравонлик ва экстремизм-ни диний қўлаб-қувватлашга олиб келиши мумкин бўлган са-баб ва вазиятларни стратегик нуқта назардан баҳолаш;
  - б) келишмовчилик ва фикрлар қарама-қаршилигини енгиб ўтиш учун диний жамоалар ва ҳукумат-лар ўртасида маслаҳат меха-низмлари ва жараёнларни рив-ожлантириш;
  - в) диний низолар содир бўлаётган давлатлар илтимоси ёки розилигига қўра, шунингдек, манфаатдор давлатлар илтимо-сига қўра бундай низоларни ҳал этиш учун экспертлар миссияси-ни ташкил этиш ва йўллаш имко-ниятини қўриб чиқиш;
  - г) диний ҳуқуқлар соҳасида ва низоларни бартафоз этиш бо-расидаги тажриба ва ахборотнинг оммавий ахборот воситалари ор-қали тарқатилишига қўмақлашиш.
  8. Дин пешволарига барча халқ-ларнинг фаровонлиги йўлида биллашиш, бунда аҳолининг энг ҳам таъминланган қатламларига алоҳида эътибор бериб, одамлар учун бахтли турмуш кечирини таъминлашнинг турли йўллари-ни қидириб топиш тавсия қилинади.

Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил 14-16 сентябрь



■ Хурсандбек АРАБОВЕВ олган суратлар

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 26 сентябрдан бошлаб валюталарнинг бўйича бухгалтерия ҳисобини, статистика ва бошқа ҳисоботлар-ни юритиш, шунингдек, бошқона тўловлари учун хори-жий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати-ни белгилади: %

1 Австралия доллари	163,31	1 Канада доллари	201,04	1 Финляндия маркаси	44,33
1 Австрия шиллинги	19,15	1 Ҳитой юени	36,14	1 Франция франки	40,18
1 Англия фунт стерлинги	436,58	10 Люксембург франки	65,34	1 Швейцария франки	173,10
10 Бельгия франки	65,34	1 Малайзия рингити	78,75	1 ЕВРО	263,57
1 Голландия гульдени	119,60	1 Германия маркаси	134,76	10 Жанубий Корея вон	2,66
10 Греция драхмаси	7,78	1 Польша злотийси	65,63	10 Япония иенеси	27,77
1 Дания кронеси	35,37	1 СДР	387,91	1 Россия рубли	10,77
1 БАА дирхами	81,47	1000 Туркия лираси	0,45	1 Украина гривнаси	55,01
1 АҚШ доллари	299,21				
1 Миср фунти	85,26				
10 Испания песети	15,84				
100 Италия лираси	13,61				

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Респуб-ликеси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!**  
**«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!**  
**«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:  
«Ўзбекистон овози» — 220  
«Голос Узбекистана» — 121  
«Осиё бозори» — 174

Қашқадар бугун бунёдкорлик режалари билан яшайди. Бундан икки ой бурун вилоят кенгашининг сессиясида мамлакатимиз Президентининг вилоят иқтисодини кўтариш, воҳанинг улкан имкониятларини юртимиз тарихийоти, одамлар турмуш фаровонлигига хизмат қилдириш билан боғлиқ вазифаларни ўртага қўйган эдилар. Вилоятнинг янги ҳокими туманлар фаоллари билан ўтказилган учрашув ва йиғилишларда бошқа вазифалар қатори маънавий соҳадаги вазифалар, жумладан, матбуот нашрларида обуна бўлишга ҳам жиддий эътиборни қилди.

Ўзбекистон ХДП матбуот нашрлари кунги вилоятда ана шундай вазиятда — иқтисодиётда вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш, пахта ҳосилини йиғиб олиш, ерларни кузги бугдой экишга тайёрлаш ва бошқа юмушларни бажариш учун астойдил кураш кетаётган кунларда ўтди. Шахрисабз туманидаги Улуғбек номили ҳўжалик пахтакорлари йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб удраладилар. Узум етиштиришда энг юқори натижани кўлга киритган «Китоб» агрофирмасида меҳнат илғорларидан 50 киши олинган фойда ҳисобидан «Ўзбекистон овози» га обуна қилинмоқда.

Қарши туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, ХДП вилоят кенгаши аъзоси Сайфулло Хайруллоев матбуот нашрлари кунги иштирокчилар билан самимий

суҳбатлашди. Бу йил 44 минг тоннадан ошқ пахта етиштириш учун меҳнат қилаётган пахтакорларнинг муваффақиятлари, айрим қийинчиликлар ва муаммолар, тадбиркорлар кўл ураётган эзгу ишлар ҳақида гапириб берди. Дарҳақиқат, пахтакорлар мўл ҳосил етиштирган. Беш-

лари, маҳаллаларнинг вакиллари, муштарийлар тўпланишиди. Куй-қўшиқлар янгради. ХДП вилоят кенгаши биринчи қотиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Фармон Оминов бугун матбуот олдиде турган долзарб вазифалар ҳақида гапирар экан, йиғилганларни очик

**Ф. Темиров**, шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи: — Биз «Ўзбекистон овози»ни севиб ўқиймиз ва обуна даврида кўллаб-қувватлаймиз.  
**С. Тураева, Исмоилова, Ш. Дарёбоева**, Темирийўл, Хонтепа, Кунчиқар маҳаллари ходимлари: — 7-синф «Алгебра»си 1200 сўм. 8-синф

**МИЛЛАТ ВА МАТБУОТ**  
да муҳим масалаларнинг барчасини санаб ўтишнинг имкони йўқ. Улар юзасидан «Ўзбекистон овози» рўнома-си Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Норбобо Шакарлов батафсил жавоб берди ҳамда газетани чиқариш билан боғлиқ айрим тафсилотлардан муштарийларни хабардор қилди. Қарши шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Йўлдош Қориев учрашувда кўтарилган масалаларни ечиш мумкинчилигини билдириб, қаршиликлар ҳаммаша «Ўзбекистон овози» рўномасини кўллаб, энг кўп обуна бўлаётганликларини айтиб ўтди. Партия матбуоти кунларида Ўзбекистон ХДП Марказий кенгашининг масъул ходими Б.Абдурахмонов иштирок этди.

# БУНЁДКОРЛИККА ДАЪВАТ

кент пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамиятига келганимизда етти йилдан буён С. Раҳимов номили ҳўжалик раҳбарлик қилаётган Суюн Абдиев 4600 тонна пахта етиштиришга аҳд қилишгани, 20 кишини рўзномамизга фойда ҳисобидан обуна қилишларини билдирди. Корхона раҳбари Иноят Очилов ҳам рўзномамизни кўллаб-қувватлаётганларини изҳор қилди. Тараққиёт режалари, турмуш уринишлари ҳақидаги суҳбат «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат ҳўжалиги боғида бир пайла чоё устида ҳам давом этди.

Қарши шаҳри ҳокимлигининг мажлисхонасидаги учрашув эсда қолари бўлди. Бу ерга кўллаб вилоят ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари, ўқув юрт-

мулоқотга даъват этди. Ҳеч қандай маърузасиз. Натижа ҳам яхши бўлди. Саволлар берилди, муҳим вазифалар кўтарилди. Газета ва бошқа нашрларни бугунги талаблар даражасида чиқариш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Савол:** — Бир кило ёғ фалон сўм. Жон бошига 3 килодан ун олаямиз. Аҳвол қачон ўзгаради?  
**Э. Номозов**, Қарши шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси: — 62 та маҳалламиз бор. Ун, ёғ бор, вақтида етказилапти, нолиямайлик. Маънавият керак. «Ўзбекистон овози» яхши газета. Аммо реклама ва ёшонлар кўп берилаяпти, обуна нархи баланд.  
**Бердиев**, Қамашти туманидан: — ХДП ҳаёти кенгрок ёритиб борилса, дейман.

«География»си 800 сўм. Нега бунча қиммат? Буни назорат қиладиганлар борми?

Менимча, Қаршида бундай жонли мулоқот, фикр алмашиш кўпдан бўлмаганди. Муштарийлар ўз сеvimли нашрларида бугунги кун нафаси уфуриб туришини, турмуш ўртага қўяётган муаммоларга биргаликда ечим излашни исташди. Масалан, шаҳар «Камолот» жамғармаси раиси Фурқат Раҳимов нашрларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раҳбари Саодат Исмоилова тенг ҳуқуқлик масалаларини ўртага қўйса, профессор Анвар Чориев ҳаётимизда учраётган «айқовчиллик, пулга ружу қўйиш каби салбий иллатлар ҳақида гапирди. Очиги, учрашувда кўтарилган ниҳоят-



Косонсой — Наманган вилоятидаги чет эл сармоядорлари томонидан энг кўп сармоя киритилаётган туман. Бугун бу ерда 8 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Косонсой-Текмен»нинг ўзига хос ўрни бор. 1200 дан ортик кишини иш билан таъминлаган бу ҳамкорликдаги жамоада жун матолар, жумладан, пальтобоп ва костюмбоп газламалар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда корхона маҳсулотларининг 80 фоизи хориқар экспорт қилиняпти. «Косонсой-Текмен» ишга тушгач, бу ерда мўъжазгина ишчилар мавзеси пайдо бўлди. Янги турар жойлар, замонавий маъмурий бинолар, спорт иншоотлари мавзеге кўрк бағишламоқда. Муҳташам гузарлар барпо этилишида меҳнаткаш тадбиркорларнинг улуғи катта. Суратда: тумандаги кенг микёсли ўзгаришлар манзараси.

## ЭНДИ ФАҚАТ ТИНЧЛИКНИ КУЙЛАЙЛИК

... «Йўрақул Турсунов, Муҳаммадхон Обидов, Абдулла Жумахмедов, Шўхратжон Мирзакаримов, Қодир Сулаймонов. Сарносеб ва Узун туманларининг тоғли худудларидан маҳсуе «Ахборот» учун».

Ҳамкасбаримизнинг бу теэкор хабарларини ҳар биримиз ҳар кунги интиқлик билан кутигани билан қўлиқ қолдик. Душманга қарши маршловар жанг олиб бораётган ўқулларимизнинг мардилиги, уларнинг омонлиги, соқлиги диққат марказимизда турди. Она зинимизга суқилиб кирмоқчи бўлган тажовуэкорларга барчаннинг нафрати ортди.

Матбуот саҳифаларида эса воқеа жойидан эгиллик ва теэкорлик билан хабарлар берган таниқли журналистлар Олимжон Усанов, Муеулмон Номоз ва Чори Тўхтаевларнинг меҳнатларига ҳам таҳсинлар айтсак арзийди.

Қўрмае ва ботир йиғилар билан бир сафда туриб она зинимиз, озад Ваган туэроини ва тангадошларини тозалашда жасур журналистларимиз ҳам оз бўлса-да ўз ҳиссаларини қўшишди. Кимдир тогу тошдан, вертолёт ва самолёт бортидан, яна биронимиз «ўгли» нуқтавлардан хабарлар бердик. «Овиралгим 135 кило бўлса-да, душманнинг тўрттаеини ер тишла-тардим», — деганиди гураёқдек қўларини мушт қилиб журналист Тоғжиддин Раэоқ.

Ҳарбий кийим ларшган ҳамкасбарим! Бугун душман ер билан қисил эгилди. Террорчилар йўқ қилинди. Шушда сиз азия жаангчи журналистларга бир оғиз ширин калом илдиним:

Бундан кейин барчамиз фақат  
Мустақил Ўзбекистонни, Хурлиқни,  
Озодлиқни, Тинчлиқни барал-ла куйлайлик!  
**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**, «Ўзбекистон овози» муҳбири

## АҲИЛЛИККА НИМА ЕТСИН

Туртовлон тугал бўлса кўкдагини ундирар, олтовлон ола бўлса озгидагини олдирар. Ҳа, аҳилликда ҳикмат кўп. Андиқон вилоятининг Пахтаобод тумани билан Қирғизистоннинг бир қатор шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари учрашувиде ҳам асосан ана шу ҳақида фикр юритилди. «Бундай ўзига хос анжумандан мақсад, — дейди Пахтаобод тумани прокурори Мамуржон Қимсанов. — Икки қўшни республика ўртасида қишлоқ ҳўжалик экологияси ва инсон саломатлиги, давлат ва фуқаролик манфаати ҳимоси, шунингдек, жинотчиликнинг фойш қилиш масалалари юзасидан ўзаро мулоҳаза-

лар юритилди. Ҳокимликлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари ўзларининг маъруза ва музокараларида йиғилишда тилга олинган масаланинг долзарблигини эътироф этишди. Пахтаобод тумани ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора раҳбарлари Қирғизистоннинг Майлисий шаҳри, Ноокен, Бозорқўрғон, Сузоқ тумани ҳокимликлари билан бирга кўтарилган мавзуа оид масалаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олдиди.

**Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА**, «Қаламкаш» талабаси

Баҳор охирлаб, Когон кенглик-ларида лолақизгалдоқлар кўринмай қолди. Яшил қирлар ҳазон-рөздек сарғаймоқда. Омон Ҳаққулловнинг юраги эса қоп-қора, ўзи билан ўзи оворе. Ниҳоятга шу тун эришса керак: болтасининг «тили»га қиров кўнганича йўқ. Панд берса даст тиг асқотади. Лекин куннинг ўтиши, шом қўниши жуда чўзилди унинг назариде. Ҳар кун вақтлроқ уйкуга кетадиган болалари бугун бедор. Найманчада хўроз қичқирди. Гафлат босган Омон секин ўрнидан кўзголдди: «соат учда хўрозлар қичқиради, вақт кетибди, ҳаммасига улгуришини керак!»

Кўшни хонада ўли Мардон мазза қилиб уқларди, кун бўйи гишт қуйиб, чарчаган-да! Узиям туш кўраптимми? Жоҳил ота қўлидаги болта билан ўғлининг юз-боз қисмига зарб билан туширди. Мардон ўзига келолмай хириллар, бундан эса отаси завқланар, «энди мени беписанд қилолмайсан, бола. Сени аллақачон ўлдиришим керак эди, бу сенга хали кам». Ўз пуштикамарида булган, эндиғина ўн тўққиз баҳорни қаршилаган Мардоннинг қонга беланган мурдаси тепасида турган қотил ота бир муддат ўзига келмади. Чунки суқурдек ўғли қон тўшақ билан битта бўлиб ётар, ушанда ҳам сизни севолимасам нетай, дөяётганде.

Саҳарнинг өкиссиз шамолги иблис отанинг танини жунбушга келтирди: «Бу ердан мурдани йўқотишим керак, токи мен ўлдириганимни ҳеч ким билмасин!» У шу ўй билан ҳовлидаги филдиракли аравага ўғлининг жасадини кўрпа-өстиги билан юк-лаб, аста йўлга олиб чиқди. Қишлоқ уйкуда, аёвн-аёвнда ит хуради. Аравани тортиб бораётган эллик опти ёшли қотилни борган сари совуқ тер босар, заҳаш ат-рофидаги қамшидорда бирдан

айбдор деб билади. Ишқилиб Мардонни аразлаб кетгани узоққа чўзилмасин-да!

Орадан уч кун ўтди. Онанинг юрагига гулгула тушди. Эрини қистади, милицияга хабар беринг деб. Ичидан зил кетиб юрган қотил ота милицияга мурожаат қилганида ўзида қандай куч топдидикин?

Чавакланган Мардоннинг жасади қишлоқ четидеги заҳашдан, қамиш ва хас-хашақлар орасидан топиладиган қотилнинг қўларига қотил ота милицияга мурожаат қилганида ўзида қандай куч топдидикин? Чавакланган Мардоннинг жасади қишлоқ четидеги заҳашдан, қамиш ва хас-хашақлар орасидан топиладиган қотилнинг қўларига қотил ота милицияга мурожаат қилганида ўзида қандай куч топдидикин? Чавакланган Мардоннинг жасади қишлоқ четидеги заҳашдан, қамиш ва хас-хашақлар орасидан топиладиган қотилнинг қўларига қотил ота милицияга мурожаат қилганида ўзида қандай куч топдидикин?

сизнинг ҳам тайинли ишингиз бўлганида бизлар бунчалик эзилмасдик, деа бир эмас, бир неча бор айтган. Ҳа-да, қачонгача бировларнинг ишини қилишадими? Ишлаб толган турт танга билан бошқалардек яшаб бўлмайди. Баъзан эрига ҳам, фарзандларига ҳам раҳми келади. Ўзини-ўзи

**КОРА КИЛМИШ**

ди. Бунинг учун эса пойдевор йўқ. Шу боис ота болага, бола отага тик гапирди. Хуллас, бу бир кун-мас-бир кун оилани мусибатга етаклаши аниқ эди.

Ишни кўрган вилоят суди қотилга қилмишига яраша жазо тайинлади. Қотил жазосини олди. Йиллар ўтар, бу мудхш воқеа унутилар. Аммо, бизни бир нарса безовта қилади. Нега қишлоқдошлар бепарво, менга нима қабиледа юришган? Қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳокимлик қаёққа қарапти? Лоқайдлик яна қанча-қанча оилаларда нотинчликни юзага келтиради? Азалдан оила устуни дейилган оталардан нега плугур кетмоқда?

**Ҳикмат АҲМЕДОВ**, Бухоро вилоят судининг судьяси, **Даврон БАХРОНОВ**, «Ўзбекистон овози» муҳбири

## ЖОҲИЛ ОТА — ҚОТИЛ ОТА

Ўша оқшомада қотиллик ҳам оддий айтишувдан бошланди. Июнь ойи бошларида Мардон почаси Мансур Ражабов билан қўшниси Али Аминовга юз минг дона хом гишт қуйиб бериш, бунинг эвазига юз минг сўм ишлаб олиш пайида эди. Бу ишга отаси ҳам қўшилди. Иш бошланди, аммо яна ота-ўғлининг гапи бир-бирига мос келмади. Шу боис ота аразлаб уйига кетди. Қаттиқ аразлаган ота ўғлини ўлдириш ҳақида қатъий қарорга келди ва пайт пойладди.

Ишни кўрган вилоят суди қотилга қилмишига яраша жазо тайинлади. Қотил жазосини олди. Йиллар ўтар, бу мудхш воқеа унутилар. Аммо, бизни бир нарса безовта қилади. Нега қишлоқдошлар бепарво, менга нима қабиледа юришган? Қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳокимлик қаёққа қарапти? Лоқайдлик яна қанча-қанча оилаларда нотинчликни юзага келтиради? Азалдан оила устуни дейилган оталардан нега плугур кетмоқда?

**Ўз фарзандини чаваклаб ташлади**

Найманчада қора тун ҳеч нимани кўрмагандек ўрнини тонга бушатиб берди. Омон ҳам мазза қилиб улагандек керишиб ўрнидан турди. Хотини Тўхта ҳам Мардоннинг бор-йўқлиги билан қизиқчанди, қўшни хонада уқлаб ётганди. Вақтли туриб мурғу саммо ермиди? У ён, бу ёнга қаради: на Мардондан, на кўрпа-тўшадиган нишон бор. Отаси билан айтишиб юради, уйдан кетиб қолган бўлса-й? Эридан суради, у елка қисди. Эри ҳар доим ҳаммангини ўлдираман, деб пўлпаса қиларди. Бир қор-қол бўлди-ми-ё? Йўқ, худо асрасин, ҳазил-лашарди аччиғи кўзгаганда.

Афсуски, она эрининг ўз ўғлини ўз қўллари билан ўлдириганидан бежабар эди. Ахир, етти ўғил-қизни волга етказиш учун қанчадан-қанча азиятлар чекамди. Бариниб кўп қатби яшашпти, бу кунлар ҳам ўтиб кетар, қашшоқлик айб эмас-ку! Лекин, оталари бемехр. Болаларини ҳўнар эгаллашга ўргатмади. Илгари «ўтири» келгани учунми, ўз кўннини ўзлари кўрган қабилни маъкул билди. Салга айтишиб, аразла-шиб қолишди. Ўғли отасига,

газетаси муҳбирлар қўнал-сасига гапмин бир аёл кириб келди.  
— Ўзбекистон туманининг Япон шаҳрида яшайман, — деа ўзини таништирди Хуснора Йўлдошева. — 46 йил октябр ойида 46 йилла опам Васила Рўзиева Япон марказий шифохонасининг кардио-неврология бўлимида вафот этди. Турри, ўғли ҳақ. Эрачлар қон қўларидан келган барча ишни қилишган. Аммо, бир нарса биз марҳумнинг яқинлари дилини оғритди...

Яшаб турган жойимиз шифохонадан узоқ эмас. Опамни ҳам шаҳарчамиз аҳли яшаи танийди. Негаки, у киши узоқ йиллар боғча мудираси бўлиб ишлаб, нозиб жужуқларга илк тарбия берганлар. Опамиз кеқчурун биз борганимизда тектик, умийий аҳволи яхши эди. Тунги соат 01 да тўсатдан мисисга қон қуйилган. Ярим соатдан ортик вақт мобайнида ўлим билан олишиб, сўнг вафот этган. Докторларга даъвоими йўқ. Фақат бир андиша. Ўша пайтда

боғлиқ баъзи бир нозик нуқталар борки, уларни муҳокама қилиш туғунинг иши. Инсон касалланди, шифохоната тушди. Муолажалар қор қилмай қотиб эди. Аввало бу — Оллохнинг иродаси. Унга шак келтириб бўлмайди. Лекин, соатлаб ўлим билан олишиб, жонлантйриш бўлимида ана кетди, мана кетди, бўлиб ётган беморнинг яқинларига хабар кўриш кўзда тутилганми? Жон таслим қилаётган инсонни охириги дақиқаларда кўриб қолиш, рози-ризолигини олиш фарзандлар, қариндош-уруғ, дўст-биродарлар учун фарз, ахир. Афсуски, кўнунча улар бемор узилганидан сўнг, эртаси кунга хабар топадилар бу ҳолдан.

— Опам Тошкентдаги шифохоналардан бирида ётарди, — дейди тошқоқлик Ҳ. Бердалиев. — Ҳафтада бир хабар олардик. Қутилмаганда туман шифохонасига чаққириб, опамиз оламдан Тахририятдан. Дарҳақиқат, ушбу мақолада муҳим масала кўтарилган. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унга қарашли идоралар, шифокорларимиз мақолага муносабат билдирадилар, деа умид қилаймиз.

## ЧОРТОҚ БИРИНЧИ

Чортоқ тумани Наманган вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини бажарди. Азалдан халқи ориятли ва меҳнаткаш пахта туманида 100 фоиз бўлган биринчи навга сотилди. Пахтачиликдан 620 миллион сўм даромад олди. «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» шир-

қатори мева, узум, қартошка ҳосилини йиғиштириш жадал давом этяпти. Чортоқликлар биргина сазавотдан 20200 тонна ҳосил олишни режалаштирганлар.  
**Маҳмуджон ПАРТИЕВ**, «Ўзбекистон овози» муҳбири

# МУЛОҲАЗА КЎНГИСИ ШИШАДАН НОЗИК

Болалигимиздан Мавлоно Румийнинг доно ўитини онгимизга синдириб ўсдик. «Куръонни йирт. Қалбага ўт қўй, аммо инсон кўнглини оғритма...» Қаранг, кўнглига озор етказишни нақадар қўбих жинотлар қаторига қўйганлар. Кўнгли шийшаси дарз кетмасин, дейди халқимиз. Бир ҳовуч лой лажувард булоқни булғатанидек, бир оғиз ҳоржў сўз, бир нолойиқ наҳаркат инсон қалбиде ўчмас жароҳат туғдириши мумкин.  
«Ўзбекистон овози»

опамиз устида парвона бўлаётган шифокорлар бизга хабар беришлари мумкин эди-ку. Ҳаммамизни яхши танишарди. Албатта, жон олиб жон бераётган беморнинг оиласига хабар бериш уларнинг хизмат вазифасига кирмайди. Лекин дунёда шундай ёзилмаган қонулар ҳам бор. Бу — оддийлик. Ахир, бировнинг аҳволи оғирлашса, дарров яқинларини хабардор қилиш халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири-ку... Дарҳақиқат, тиббиёт идоралари фаолияти билан

ўтганини айтишди. Ўлим ҳақ. Дарров тайёргарлик кўриб, Тошкентга жўнапти. Борсақ, опамнинг ўлганига икки кун бўлган экан. Тошкентдан вилоятга, вилоятдан туманга, сўнг қишлоққа хабар келгунча вақт ўтган. Ҳеч қимдан хафа бўлишга ўрин йўқ: қонда ўзи шунақа. Аммо барбир кўнгли кўнмайди шу ҳолга. Опам сўнги дақиқаларда умид билан йўлга қараганди, видолашмоқчи бўлганди. Биз эса...  
Жасади ўликхонада экан. Айтишга тил оғиз опам... қип-яланғоч ҳолда ётибдилар. Наҳот инсон қадри шунчалар бўлса? Ҳаммамиз мусулмонимиз-ку... Киноларда кўрамиз: ўша Америкада ҳам махсус қопга солиб қўйишаркан мурдани! Бизда, исломий қадриятлар тикланган бир юртда эса... Шифокорларга эътироз йўқ. Зеро, масаланинг моддий-ташкилий муаммолари мавжуд. Аммо, масаланинг тарбиявий томонлари бор. Масалан, ўша ўликни юқоридегидек ўзи кўнгли вайрон инсонларга жигаргўшасининг жасадини ўша аҳволда кўрсатмаслик қариндорини топиш мумкин-ку, ахир! Ривожланган мамлакатларда мурдани яқинларига кийинтирилган ва ҳатто пардоз қилингандан сўнг кўрсатишаркан. Инсонга эҳтиром эмасми бу?! Олис қишлоқдан вилоят маркази ёки пойтахтга келиб даволаётган беморнинг ҳолидан ҳар кунга хабар олишга яқинларининг имкони йўқ, албатта. Нега ўшандай ўзидан келган беморларнинг аҳволини қариндошлари телефон орқали суриштириб билиб оладиган махсус пункт очиш мумкин эмас катта шифохоналарда? Балки шифохоналарда бундай хизмат кўрсатадиган пуллик марказлар очиш лозимдир. Маълум ҳақ эвазига Фаронадан ёки Сурхондарёдан туриб, Тошкентда даволаётган яқинингизнинг ҳолидан доимий хабардор бўлиш имкони туғиларди. Кўнгли нозик... Кўнглини авайлайлик. Айниқса, бемор кўнгли, олдидан унга илҳақ турган ота-она, фарзанд, қариндош-уруғ кўнгли...


**Алишер ИБОДИНОВ**, «Ўзбекистон овози» муҳбири



Суратда: тумандаги кенг микёсли ўзгаришлар манзараси.

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

## СЎЗ ВА СУРАТ



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Дона суриш наобати менда, Мағлуб бўлмоқ ниятимиз дўқ.

Оқ доналар мустақкам қалба, Аскаримдан менинг кўнглим тўқ.

Хиросима азалдан асл японлар, уларнинг типик вакиллари яшайдиган шаҳар ҳисобланади. Ҳозир ҳам Япония фирми ва компаниялари бирор янги маҳсулот ишлаб чиқариб, ҳалқ уни қандай қабул қилишини ўрганишга бўлишса, Хиросимани танлайдилар. Бу ерда яхши қабул қилинган маҳсулот мамлакатнинг барча бурчаларида бирдек муваффақият билан сотилади. Бунинг сабаби эҳтимол Хиросима Эдо давридан буён гуллаб-яшнаган савдо маркази бўлгани билан изоҳланар.

Майдзи даврида эса шаҳарда Педагогика институти ташкил этилди. Хиросима Япониянинг маърифий маркази айланган. Шаҳарда бу йилларда қуруқликдаги кўшинлар учун ҳарбий техника аслаҳоналари ҳам жойлаштирилган. Ҳарбийлар сони йил сайин кўпайди. Шундан Хиросима ўзига хос ҳар-

бий марказга ҳам айланган эди. Мана шу жиҳат ушбу шаҳарда XX асрнинг эрғ муҳими фожиаси рўй беришига туртки бўлди.

1945 йил. Иккинчи жаҳон уруши тақдирини ҳал бўлаётган кезлар. Япония юзасидаги ҳарорат 5000 даражага тенг келарди. Воқеа жойидаги ишчилар, мактаб болалари нима содир бўлганини билишга улгурмай бу дунё билан хайрлашдилар. Бомбанинг биринчи асорати тўқтин

ачик ва аламли оқибатлари ҳақида сўзлайди. Мана, шаҳарнинг бомба портлағунча бўлган манзараси. Буниси эса фожиадан сўнгги манзара. Мана шу оралиқда сиз билан биз каби қандайдимкин турфа орзулар, туйғулар тўлиқ болакайлар, мактабга янги кийим кийиб кетган беғубор қизалоқлар, уларни ўстириб, камолдан сарматлик туйишни истаган отаналар, чиройига тикилиб туйиб бўлмайдиган бокира қизлар, забардаст йи-

йиллар инсонларда ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Сиз Садако исмли қизалоқ ҳақида эшитгансиз. Бир замонлар унинг ҳаёти ҳақида бадиий фильм ҳам олинган. Бомба портлағунда у атиги икки ёшда эди. Ун ёшга тўлганида врачлар унга радиация асорати боис оқсон касаллиги ташхисини қўйдилар. Халқаро Қизил хоч шифохонасида у азобли оғриқларни ҳис

тайин. Бироқ... Бироқ ядро қуроллари сони ер юзиде йил сайин ортиб бормоқда. Бу қуролларнинг сони бугунги кунда 20.000 дан ортиб кетди. Уларнинг ҳар бири Хиросима ва Нага-

Портлашдан сўнг самодан қора ёмғир қўйилган. Бу захар тақдир тақозоси билан ҳали жони омон қолган, ҳароба шаҳардан йироқроқ қочишга тутинган минглаб инсонларни янада хаста қилиш-

ладилар. Бироздан сўнг залга кирсам, уларни умом қозғалганда учуратдим. «Биз Садакога турта ясаганим, дада» дейди улар! Умрингиз зийда бўлсин!.. Уруш нелигини ҳис этинг, аммо уни асло кўрманг! Зеро, сиз тинчликсевар юрт болаларисиз! Истиқлол билан баробар улгайинг, мен ҳам, Ватан ҳам камолингизни кўрсин илоҳим!

Курраи заминда Хиросима борлигини, унинг фожиасини барча билиши керак!

■ Амиркул КАРИМ, Тошкент — Хиросима — Тошкент

Суратларда: Хиросиманинг портлаш содир бўлишдан аввалги ва портлашдан кейинги кўриниш (1,2). Садакога ўрнатилган ёдгорлик (3). Садако ёдгорлиги пойга келтирилган минглаб қоғоз турналар (4).

Муаллиф олган суратлар.

таслим бўлиш арафасида эди. Америка бу жараённи тезлаштириш ва ўзи тарафидан бўладиган талофатни мумкин қадар камайитириш устида ўйларди. Совет Иттифоқи эса 1945 йил февралда Ялтада бўлиб ўтган конференциядан сўнг Японияга қарши урушда иштирок этишга мақбул равишда қарор қилди. Шу боис Америка голиблик нашидасини яққа суриш ва жаҳон аҳлига ўз қудратини намойиш қилиб қўйиш мақсадида анчадан буён режалаштириб келинаётган муҳими ниятини амалга оширишни янада тезлаштирди.


Уша йилнинг 6 августи. Ҳали бутун жаҳон атом бомбаси яратилганини ҳам, унинг тажовузкор қудратини ҳам билмасди. Америкаликлар оғирлиги 4 тонна келадиган бу бомбани «Литл бой», яъни «Болакай» деб номлашгани ҳам ҳеч кимга, жумладан, ўша саҳий ёз тонгиде осуда уйқудан энди уйғонган, 350 минг нуфузга эга зангори шаҳар — Хиросима аҳлига ҳам ноаён эди.

Болалар мактабга бориб улгуришган, қорхоналарда ҳам иш бошланаётган эди. Зеро, соат 8 дан 15 дақиқа ўтганда, Америка учувчиси самолётдан Хиросима сари атом бомбасини йўлади. Таркибда 30 килограмм атом бомбаси 285-уран бўлган бомба Хиросима устида — шаҳардан 580 метр юксакликда ҳавода портлади. Бу портлаш 15 минг тонна юксак қудратли динамит портлашига тенг эди!

Портлаш чоғида унинг марказидаги ҳарорат миллион градустан зиёд бўлиб, 2 километр масофадаги бино-ю иншоот, инсонлар нарсалардан асар ҳам қолмаганди.

Портлаш жойида диаметри 280 метрга тенг келадиган улкан олов шари пайдо бўлди. Унинг зарбаси эди. 500 метр радиусдаги бинолар ҳар бир квадрат метрга 15 тонна келадиган осиде остида ер билан яқсон бўлди. Бу бомба етказган зарарнинг 50 фоизини ташкил этарди, холос. Энергиянинг 35 фоизи иссиқлик нурланиши, 5 фоизи дастлабки радиация ва 10 фоизи қондиқ радиациядан иборат эди.

Хиросимадаги Тинчлик хотира музейи инсоният йўл қўйган улкан хатонинг



— Катя, ўз ҳақингизда қисқача гапириб берсангиз? — 1973 йилда Швейцариянинг Цюрих шаҳрида туғилганман. Оиланинг энг кенжа фарзандиман. Худога шукр, ота-онам ҳаёт.

— Сиз ўзбек тилида раво сўзлашни ўрганиш қийин кечмадими? — Ҳар бир нарсанинг машаққати бўлади. Аммо инсон бир нарсага чин меҳр билан интилса, у албатта мақсадига эришади. Ўзбек тилини ўрганиш ва бу тилда сўзлашиш эса мен учун доим мароқли.

— Ўзбекистонга дастлабки ташрифингиз қачон бўлган эди? — 1991 йил сентябрь ойида дастлаб сайёҳ сифатида келиб, бу йортуга меҳриман тушиб қолди. Чунки бу давргача тарихий манбалардан, китоблардан ўқиб, юртингиз ҳақида озгина тасаввурим бўлган. Ҳақиқатда эса мен тасаввур қилганимдан ҳам ўн чандон ортиқ экан. Ушунда дастлаб Тошкент хореография билим юртида бўлиб, у ерда кўп кишилар билан танишганман. Хусусан, Сайёра опам билан танишганим ҳаётимда ўчмас из қолдирди, десам хато эмас. Шунда ўзбек мумтоз рақсларини ўрганишни мақсад қилган эдим.

— 1992 йилда мен Швейцарияга бордим ва ҳайратда қолдим, — дейди сўхбатга аралашми мураббиа Сайёра Ҳасанова. — Қисқа вақтда Катя ўз устида

гитларнинг увол бўлган умрлари бор. Бу портлаш 140 минг инсоннинг умрига зомин бўлди... 140 минг инсон... Аллоҳ берган умрни аллоҳнинг ўзи олсин дейдилар. Аммо бунда инсоннинг, майда ҳирс, сохта обрў илинжидаги одамнинг қўли бор.

Мана бу экспонат портлаш рўй берган жойдан 260 метр яқинликдаги тош зина. Унда ўтирган одамнинг изигина қорайиб қолган. Бу эса портлаш марказидан 900 метр узоқликдаги йирик шиша идиш. Ҳароратнинг зўридан эриб, бўймайиб қолган.

Музей директори Минори Хатагучи портлаш содир бўлганида онасининг қорнида эди. Ҳали англиб улгурилмаган фожиадан сўнг она эрини излаб ишхонага келади. Ишхонанинг харобаларидан хатто унинг жасадини ҳам топа олмайди. Фақат у тақиб юрган, саккиздан ўн беш дақиқа ўтганида тўхтаб қолган соатгина машъум воқеадан гувоҳлик беради. Мана шу соат назаримда ер юзиде одатдаги соат ўлчам бекор бўлгани, инсоният янги ўлчамга, атом асрига қадам қўйганини билиб, юришдан бош тортгандек...

Музейда атом дахшатларини кўз олдингизда галдантирадиган экспонатлар кўп. Аммо, уларни айтиш, тасвирлашга инсон юраги чидамайди, қалам ожизлик қилади... Атом асоратлари узоқ

иштиб, тузалиш орзуси билан яшади. Унга «қоғоздан мингта турна ясаган, орзуларинг ушалади» дейдилар. Садако кунни тунга улаб, қоғоз турналар ясашга киришди. Саккиз ой деганда у 500 дан ортиқ турна ясашга улгурган эди. Аммо... азоблар ичиде унинг ёш жони беҳосдан узилди... Бугун Хиросима музейи ёнидаги май-



дончада Садакога ёдгорлик ўрнатилган. Унинг пойида юз минглаб қоғоз турналар тахланиб ётибди. Япония мактабларини ўқувчилари ҳар тонг Садако ёдгорлиги остига мингтадан қоғоз турналарни ясаб келтирадилар. Қизалоқнинг беғубор руҳи бу турналарни кўриб, ором топар балки. Лекин бу беғубор руҳ атом портлашдек жижиркан фожиа тақорланмаслигини истаб чирқиллаб юргани

сакида портлаган юзлаб, минглаб марта талофатбахшидир. Музей деворларида ер юзиде ҳар гал синов портлашлари амалга оширилганда Хиросима аҳли билдирган норозилик ноталарининг нусхалари ёпиштирилган. Уларни санашга киришаман. Бир, икки, ўн, юз... Санокдан адашаман. Инсоният ҳали-

ҳануз Хиросима сабоғидан тўри хулоса чиқармаган, деган хулоса юракка оғриқ, кўнглига ҳавотир беради. Шу ўринда Ватаним — Ўзбекистон Марказий Осиёни ядросиз минтақа деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққани, бу БМТ томонидан қўллаб-қувватланганини эслайм. Офатлардан узоқ бўл, азиз она тупроғим, бу каби муҳими фожиаларнинг юзини тескари қилсин!

Ана шу нериум ва бошқа ановий гулларга бой хиёбонда Тинчлик қўнғироғи ўрнатилган. Унинг олдида яқинлашаман. Бонг чаламан — оғоҳ бўлинг, одамлар! Хиросима фожиаси тақорланмаслиги керак!

Оғир ўйлар билан Хиросимадаги Рига роял отелига келиб, хонага қўтариламан. Эшикни очиб, хонага кирганимда кўзим стол устидаги сархил меваларга тушади. Тўшак устига эса бир донга қоғоз турна қўйиб кетилган. Кейинроқ менга бу меҳмонхона директорининг совғаси эканини айтишди. Ушбу қоғоз турна эса Садако ясаган турнага ўхшарди. Уни охишта қўлимга олиб, жомадонга жойладим. Япониядан қайтган, жонимдан ортиқ кўрайдиганларим — бири энди еттига, иккинчиси саккиз ёшга кирган қизалоқларим Сабинабону ва Мадинабонуга кўрсатаман. Садаконинг тақдирини ҳақида уларга сўзлаб бераман.

Ниятим амалга ошди. Эсон-омон сафардан қайтдим. Қизларим хикояни ажиб сукутда тинг-

Татаристон пойтахти Қозон шаҳридаги троллейбусда шундай ҳодиса юз бердики, бунга кўпчилик ҳайрон қолди. Бу ерда чиптасиз юрган йўловчиларга 13 минг рубль жарима солинади, деган ҳазил гап тарқалди. Лекин ёш аёл ана шу ҳазилни тушунмабди. Йўлда назоратчилар текширилганда унинг чиптаси йўқ эди. Назоратчилар 13 минг рубль жарима тўлайсиз, бўлмаса қамоққа олинасиз, деб уни қўриқтирдилар. Аёл бироз ялинган назоратчилар бироз бўшашди. Аёлга раҳмлари келганлигини айтиб бор-йўри 1300 рубль тўласангиз, кифоя, дейишди. Аёл теъза уйига бориб, шу пулни назоратчиларга олиб келиб берди. Аёлнинг эри кулпа-кундуз кунни амалга оширилган умриқдан даҳшатта тушди. Ва милицияга хабар қилди. Аслида қонун бўйича чиптасиз юрган шахс 8 рубль 30 тиён жарима тўлаши керак экан. Назоратчилар эса милиция томонидан кулга олинганларидан сўнг ҳазиллашганларини аёл эса ҳазилни тушунмаганини таъкидлашди. Билса ҳазил билмаса чин деганлари шу-да!



ШЛОСИНДА ДАВЛАТ ОМБОРИ ҚУРИЛАДИ

Шаосин шаҳрини режалаштириш ва ривожлантириш бўйича кўмига қарорига қўра, шу йилнинг октябрь ойидан пахта сақланадиган давлат омбори қурилиши бошлаб юборилди. Маълум қилишларинча, ушбу объект қурилишига 62 миллион юан сарфланиши кўзда тутилган. У 12 гектар майдонни эгаллайди. Омборда 50 минг тонна пахта толаси сақланади. Дастлабки қисоб-китобларга қўра, ушбу объект 2001 йилнинг охирида фойдаланишга топширилади.

Исроил бош вазирининг қароридан хабар қилишларича, Исроил билан Фаластин Ғазо секториде янги денгиз порти қурилиши ҳақидаги келишувга имзо чекишди. Исроил ва Фаластин вакилларидан Одет Эран ва Сойиб Эрикат икки томонлама иқтисодий муаммоларни муҳокама этиш чоғида ана шу шартнома шиб олинмаганлиги тусфайли бу иш кечиктирилган. Музокаралар давомиде О.Эран билан С. Эрикат келажакда бунёд этиладиган қўшма эркин савдо зонасини ташкил этиш ҳақидаги масалани ҳам муҳокама қилишди.

ЯНГИ ЙўНАЛИШ

Октябрь ойи охирида инсонпарварлик мақсадидаги Москва-Баёвд-Москва ҳарталик ҳаво алоқаси орқали самолёт қатнови бошланади.

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МҮЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ  
Газетанинг 23 сентябрь сониде эълон қилинган аукцион савдо 2000 йил 4 ноябрда эмас, балки 4 октябрь кун соат 11.00да Тошкент вилоят ҳокимиятида ўтказилишини маълум қилади.  
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.  
Тел: 133-28-52, Факс: 133-49-31.



НЕФТЬ ҒАМБАСИ ЕВРОПАНИ ЛАРЗАГА СОЛМОҚДА

Шу кунларда Буюк Британия аҳолиси автомобилларга ёниги қуйиш шохобчалари ёнида шовқин-сурон кўтармоқдалар. Улар кўпроқ бензин олишга интилоқдалар. Айниқса, одамлар нефтни қайта ишлаш заводларини ўраб олиши мумкин деган миш-мишлар бугун Буюк Британия бўйлаб тарқалмоқда. Кўпгина туманларда АЭҚШлар ёнида бир неча километрлик наваблар пайдо бўлди. Кўп жойларда ҳаракат тўхтаб қолди. Мамлакат молия вазири Гордон Браун бензин нархини кўн 60 кун ичиде тўшмасликка қарор қилгандан сўнг шундай воқеалар юз бермоқда. Нефть нархининг кўтарилиши Франция бош вазири Лионел Жоспен ва Италия бош вазири Джулиано Аматоини ҳам ташвишга солди. Улар Европа иқтисодиётини фақат нефтьгагина боғлиқ бўлиб қолишининг олдини олиш учун бошқа энергетика воситаларини излаб топиш зарурлиги ҳақида фикр юритмоқдалар.

САВДО АЙЛАНМАСИ КўПАЙДИ

Шу йилнинг январь-июль ойлари ичиде Россиянинг ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич 821 миллиард долларни ташкил этиди, деб хабар беради Россия давлат статистика кўмитаси.

БАЛКИ, ҲАЁТ БОРДИР...

Калифорниялик бир гуруҳ олимлар «Галилео» фазовий кемаси узатган маълумотларни асос қилиб қилдилар ва аввалги маълумотлар билан солиштириб, қуйидаги хулосага келишди: Юпитер сайёрасининг йўлдошларидан бирида, аниқроқ, Европа деб номланган йўлдошнинг 7 ярим километр чуқурлигида уммон бор бўлиши мумкин. Ҳатто бу ҳақда Америкадаги илмий журналларда ҳам ёзишди. Ўз устидан маълумки, сув бор жойда ҳаёт бор. Демак, Юпитернинг ушбу йўлдо-

РАШКЧИНИНГ ҒАЗАБИ БОСИЛДИ

Тирасполлик Николай К. хотини унга нисбатан совуқроқ муносабатда бўлаётганини сезиб қолди. Жуфти ҳақли тез-тез кўшниси, ёш бева аёлниқига қатнаб турганини билди. Теъза бу ерда нима ҳодиса бўлаётган экан, деб кузатишга қарор қилди. Воқеани кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Хотини бегона ёш йигит бағрида севиб билан шуғулланаётган эди. Алданган эри йигитга мушт кўтарди. Хотини эса бирдангина урга келиб, това билан уйнашининг бошига урди. Аёлнинг бу иши оиланинг яна тикланишига ёрдам берди. Бироқ, аёл энди қўшни хотин билан ҳатто саломлашмайдиган бўлиб қолди.

ШВЕЙЦАРИЯЛИК ЎЗБЕК РАҚҚОСАСИ

Қўлимизга қалам олишга ўзбек халқини жон дилдан севган, уни ўзининг иккинчи она-юрти сифатида эътироф этган швейцариялик қиз Катя Хиллебранд билан тасодуфий учрашувимиз сабаб бўлди. У ўз ота-онаси ҳақида соф ўзбек тилида қийналмасдан сўзлаб берди. Биз уни сўхбатга чорладик.

— 1994-1997 йилларда билим юртида таҳсил олдим. Устозларим ўзбек рақс санъати сирларини олиш қудратимизга, шунга ўхшаш бир илоҳийлик ётади. Ахир «Муно-жот»да, «Тановар»да инсонни сеҳрлай олиш хусусияти йўқ деб ўйлайсизми? Фахр билан айта оламани, мен бу рақсларга эркин туша оламан.

— Бу сафарги ташрифингиздан мақсад нима? Бирор ўқув юртига киришни ёки ишлашми? — Май ойида келган

қонун-қоидалари мавжуд. Менинг назаримда, уларда инсонни сеҳрлай олиш қудратимизга, шунга ўхшаш бир илоҳийлик ётади. Ахир «Муно-жот»да, «Тановар»да инсонни сеҳрлай олиш хусусияти йўқ деб ўйлайсизми? Фахр билан айта оламани, мен бу рақсларга эркин туша оламан.

— Бу сафарги ташрифингиздан мақсад нима? Бирор ўқув юртига киришни ёки ишлашми? — Май ойида келган



■ Сулаймон ХАЙДАРОВ сўхбатлашди.

Уйғониш ва англашнинг машаққатли йўллари ҳар бир миллат, буюк шахслар ўзига хос азоб ва уқубатлар билан босиб ўтадилар. Бир кунда, бир ойда, бир йилда қўлларга болган куллик занжирининг овози асрларга бориб етади. Унинг алам ва изтироблари эса бир неча юз йилларни қаратади. Юракка ўрнашиб қолган қўрқув, қалбларни маҳв этувчи эзгинлик, қонимизга ўрнашиб қоладиган маҳкумлик. Булар барчаси аждодлардан авлодларга ўтиб келаверади.

«Инсонга ишонмаслик жуда катта гуноҳ, бинобарин, бундай гуноҳ ишга кўнглим бормади! Катаклизмдан кейин, муҳит тозалангандан кейин доғ төгмаган янги тарих саҳифаси бошланади ва тоғ Шарқдан, қуёш чиқадиган жойдан бошланишига имоним қомил». Буюк ҳинд ёзувчиси Р. Тагорнинг ушбу сўзларини ўқир эканмиз, адабиёт, озошлик жарчиси эканлигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдик. Ҳар ватани тарихи, она тили, истиқлол умиди ёзувчи асарларининг энг баланд чўққиси эди. У улғу Хиндистоннинг доғ төгмаган янги тарих саҳифаси бошланадиган кунларни соғинч билан кўтиди. У мустақил тузум, миллатлар бошига қандай балолар келтиришини ўз асарларида ифода қилди. Бизнинг назаримизда ёзувчининг буюклиги шундаки, у озошликни жуда катта тушунач эканлигини, бутун жаҳон халқлари унга интилаётганини кўрсатиб беради. Ҳар қандай босқинчилик, ўша миллатнинг бошига қуфлатлар келтириши ва босқинчилик ортда нималар қилишини куйиниб қаламага олди: «Бир кун келарки, тақдир қарвонининг бурилиши пайти инглизларни уларга қарашли Хиндистон империясини ташлаб кетишга мажбур қилар. Лекин уларни қолдирган Хиндистонни қандай Хиндистон бўларкин, улар қандай муҳим қашшоқликни мерос қолдирар эканлар». Бу улкан ҳавотир, авлодлар олдидagi масъулият ёзувчининг бутун умр ҳамроҳи бўлди. У ўзи ҳақиқат равишида айтганидек:


**Биз ўлимни ангамиз, Кўрувни ҳам мангуга Ишон, бунга эй ватан, Амин бўл бунга!**

Ватан олдидаги жавобгарлик, Ватанга бўлган муҳаббат, бу буюкларга хосдир. Ватан сарҳадлари бўйлаб улуғларнинг сўзлари қанот ёзади. Элни бирликка қақиради. Озошликнинг ойдин, оппоқ, оламларга тенг қўшиқларини баланд овозда куйлайди.

оила деган мустақкам қўрғонда вояга етадилар. Юртини севиш учун, у озод бўладиган кунларни кўтиш шарт эмас. Озошликнинг қадири аслида қимматли унга таъовуз қилганда билинади. Босқинчилар сенинг уйингда кириб олиб, боланга ўз тилида гапиришни ўргатадилар. «Отанинг янги ҳешларидан бири унга инглиз

ларга қараганда, Дельфадига Апполон ибодатхонасида юнон олими Халоннинг: «Узингни ўзинг англа, бил!» деган сўзлари битилган экан. Аслида шоирлик англамоқнинг энг юксак қиррасидир. Р. Тагорнинг ёзишча: «Кимки бўлса ҳар нафас, халқи билан ҳамнафас. Эл учун ўша одам азиз, жондош, муқаддас.

# ТОНГ ШАРҚДАН, ҚУЁШ ЧИҚАДИГАН ЖОЙДАН БОШЛАНАДИ



тилади хат ёзган экан, отам хатни шу ондаёқ қайтариб юборган». Буюк узра қасос қиличи янглим мустақкамчилар турганлигига қарамасдан у ўз ватанида, ўз она тили бўлган жойда, Босқинчилар тилида ёзилган мактубни ўқишни ўзига ҳақорат деб билди, мана шу юксаклик Р. Тагор сингари миллатсевар фарзандни вояга етказди. Бир аллома ёзганидек: «Ҳар бир оила ўз фарзандларини ҳар қандай мақбурига тажовузорликдан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриши керак». Улғу Тагор айтганидек, «Инсоният узил-кесил мағлуб бўлиши мумкин деб ўйлашни жиноят деб биланам». Инсонни маҳв этиб туриратганлар, фақат уни йўналтириб қўйиш керак. «Ҳамма бало-қасо ҳаракат тўхтаб қолган жойда бўлади. Мана бундан эҳтиёт бўлиш керак. Бас, шогирдининг хатосидан кўра кўпроқ муаллимнинг хатосидан қўрқиб қолма!»

## ИНСОНИАТ УЗИЛ-КЕСИЛ МАҒЛУБ БЎЛМАЙДИ

Жамиятда шахснинг ўрни, жуда катта. Уни идрок этиш зарур. Улкан шахслар миллатни жаҳон шохсупасига олиб чиқади. Ҳар қандай оғир кунларда ҳам ўзалигини йўқотмайди. Катта бир маданият, катта бир халқнинг тили аёвсиз бостириб келаётган бир замонда ҳам, ўз она тилига содиқ қолган, бошқа тилни ўрганиш ўз тилини йўқотиш эвазига бўлмаслиги кераклигини англаб етганлар бўлган. «Кўпгина билимдон кишилар ўз халқларининг тилидан ва маданиятидан узоқлашган эдилар. Отанинг хаттидаги ҳамма нуқсонлардан қатъи назар, юртимизга чуқур эҳтиром туйғуси уни асло тарк этмаган эди, бу — унинг авлодларида кучли ватанпарварлик хисси бўлиб қайта тугилди». Р. Тагорнинг бу ўтли сатрлари бизни ўйга толдириши табиий. Чунки фарзандларга ватан ҳақидаги илк сабақлар оиладан бошланади. Ёвқур фарзандлар, содиқ ўғлонлар,

Ох, қачон кўраркинман шундайин бир шоирни! Она ер тафтин шеърга сингдирмоққа қодирин. Мен ёзолмай ўртанган қўшиқларни ёзса ул, о, нақадар бахтиёр, шод бўларди бу кўнгли!»

## ШОИРМАН, ЭЛИМ БИЛАН БИРГА БЎЛМОҚ ИСТАЙМАН

Шоирлик мартаба эмас. Ва ёки унвон ҳам эмас. Шоирлик қисмат. Эл дарди билан яшаш. Мангу кураш. Изтироб. Халқи олдида имтиҳонлар. Машҳур олимнинг ёзишча: Маълумот-

## КАЛЬ КИРФОКЛАРИ

шоир атайман. Қаршинда бошим эғиб, Сенга ўқийман тақсир. Эртанги умидлар, ватан истиқболи бу барчамизнинг эзгу орзу ва муқаддас бурчимиз бўлмоғи зарур.

## АБАДИЙЛИК ҲАММА НАРСАНИ ЎЗ ЭЛАГИДАН ЎТКАЗИБ ЭЛАБ ТУРАДИ

Буюк Тагор ёзади: «**Ҳаётда ўзимизни барқарор қилишимиз зарур нарса, ундан ҳам заруруроғи эса ўзингизни ифода қилишдир.** Агар инсоният бу ҳақиқатни англаб етганда эди, ҳар бир ўтаётган кунларда ўз-ўзини янада чуқурроқ англаб етиб, «**абадий дошиманг ақл**» билан иш тутган бўлар эди.

Мангуликка дахлдор бўлиш ўз ватани чегараларидан овози ўтиб ақо садо бериши, катта жаҳон адабиётидан ўрин олиш бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Барча туйғуларга бефарқ қараб, олам дардини англамаслик, маълум бир жараён ёки муҳитда қолиб кетиш эса бефарқликдир. Буюк Тагор таъбири билан айтганда: «**Бефарқлик эса қалбнинг ўлгани демакдир.**»

Инглизлар ҳукмронлигидаги Хиндистонда туғилиб, яшаб, ижод этиб, жаҳоннинг энг машҳур адаби даражасига етишган Р. Тагор асарлари ҳамон севиб ўқилади. Ўрганишда. Бизнингча бунинг боиси адабнинг умумжаҳоний фикрларидан бўлса керак. У ҳамма нарсани ўз номи билан атайди. Адиб ёзади: «**Бундай шароитларда шухратпараст Фарб маданиятининг хур-**


матини сақлаш асло мумкин эмас эди. Биз унинг эрксеварлиги эмас, балки зўравонлик томонини татиб кўрдик». Мустақкамчилик сиёсатини ҳақиқий башарасини очиб берган адиб, ушбу сиёсат қалғати бошида синган халқларнинг энг сеvimли кишисига айланди. У ўшбу сўзлари билан бутун жаҳон бўйлаб мустақил тузумга қарши курашаётган миллатларни уйғотиб юборди. Уйғоқ овоз эса жаҳон бўйлаб музаффар юриш бошлади. «**Бутун ёшим саксонга тўлди, узундан-узок ҳаётим кўз олдимда намоён бўлиб турибди. Эндилқда бутун ҳаётимга тонг пайтандан, кун ботишигача ҳолисона назар ташлаб, ўзимда ҳам, шунингдек, ватандошларимни онгидан ҳам рўй берган бурилиши тушуна оламан.**» Бу бурилиш озошлик туйғусидир.

## РУХ УЙҒОКЛИГИ

Улғу алломаларнинг ёзишча: «**Қадим Хиндистонда афсонавий бир қуш бўлган экан. Фақат қуёш шуъласидан озикланадиган шу қушнинг овози гоғтада сөхриб бўлганмиш. У сайраганда бутун Хиндистон тингларкан. Бу қушнинг овози эшитилган заҳоти одамларда рух уйғоқлиги кучаярмиш. Лекин унинг қандай учушини ҳеч ким кўролмаган экан. Бир кун ўша гаройиб қушдан сўрашди: «Сен қанга учасан — ўнганми, сўлганми?» У жавоб берибди: «Самога. Юксакка парвоз қиламан.»**

Бизнинг назаримизда буюк ҳинд ёзувчиси Р. Тагор ҳам салкам икки аср давомида инсониятни «сөхриб овози» билан рух уйғоқлигига қаққириб келмоқда.

## Азим СУЮН, Фаррух ҲАМРОЕВ



«**Ҳақиқатни астойдил яхши кўрмасдан уни тан олиш мумкин эмас**»,— деб ёзади Р. Тагор. Уни яхши кўриш эса машаққатли. Лекин ёзувчи бутун ижоди давомида ҳақиқат тамойилларига амал қилиб яшади.

Р. Тагор ўз хотираларида шундай ёзади: «**Бундан бир неча йил муқаддам, кимдир ҳаётимда бўлиб ўтган воқеалардан сўраб қолганди, хотирамдаги суратхонамга назар ташладим.**» Бу суратхона инсониятни жуда гўзал, юксак туйғуларга ошно қилади. Бу суратхона сизу бизга тилни, элни, миллатни севишни

ўргатади. Буюк даҳо гарчи ватанини, озошлигини кўролмаган бўлса ҳам бугун мустақил Хиндистонда адабнинг озошликдан берган сабақлари жуда азиз, мўтабар ҳисобланади. Р. Тагор ҳақиқ равишида айтганидек: «**Бутун ёшим саксонга тўлди, узундан-узок ҳаётим кўз олдимда намоён бўлиб турибди. Эндилқда бутун ҳаётимга тонг пайтандан, кун ботишигача ҳолисона назар ташлаб, ўзимда ҳам, шунингдек, ватандошларимни онгидан ҳам рўй берган бурилиши тушуна оламан.**»

Бу бурилиш озошлик туйғусидир.

Улғу алломаларнинг ёзишча: «**Қадим Хиндистонда афсонавий бир қуш бўлган экан. Фақат қуёш шуъласидан озикланадиган шу қушнинг овози гоғтада сөхриб бўлганмиш. У сайраганда бутун Хиндистон тингларкан. Бу қушнинг овози эшитилган заҳоти одамларда рух уйғоқлиги кучаярмиш. Лекин унинг қандай учушини ҳеч ким кўролмаган экан. Бир кун ўша гаройиб қушдан сўрашди: «Сен қанга учасан — ўнганми, сўлганми?» У жавоб берибди: «Самога. Юксакка парвоз қиламан.»**

Бизнинг назаримизда буюк ҳинд ёзувчиси Р. Тагор ҳам салкам икки аср давомида инсониятни «сөхриб овози» билан рух уйғоқлигига қаққириб келмоқда.

## Азим СУЮН, Фаррух ҲАМРОЕВ

## АФШОНА МЕҲМОНЛАРНИ КЎТМОҚДА

Эрта-индин қадимий Бухоро яна бир қувончли куннинг гувоҳи бўлади. Бу ерда қомусий олим, улғу ҳаким Абу Али ибн Сино таваддулнинг 1020 йиллиги жаҳон миқёсда кең нишонланади. Юбилей тантаналари асосан алоҳида ватани — Афшона қишлоғида ўтади. Шу муносабат билан Афшонадаги аллома музейи қайта таъмирланиб, ундаги кўргазмалар бойитилди. Қишлоқда кең қўламада ободончилик ишлари амалга оширилди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан таширф буюрадиган олимлар иштирокида катта илмий анжуман ҳам ўтказилади. Афшона эса айна кунларда меҳмонларга мунтазир.

## Ўз муҳбиримиз

## САБЗИНИНГ «ТИЛИ» БОР...

Ҳозирги ёшлар опа-онасига «убанаман» деган лардан қандай қишай бўлмай. Агар у ларда бўлса, иситмаси албатта ошқор этпади: чуқур-чуқур ўқ тортилади. Кечаси билан уқоламай чиқилади, ҳаёлпараст бўлиб қолади боласи тумшугар.

Яқин-яқинларга эса бўйдоқ йиғишларимиз ўз дараларини осонгина айтишдан — отасининг қовушига сабзи солаб қўйишдан, вассалом. Ота кавушга оёқ солаётганда ўғлининг «ларданга оёғи тегиб кетади... Ва сабзининг «тили» тушунади... Оёғи билан. Чунки ўзи ҳам бу «тил»дан фойдаланган-да.

Сўзлашувнинг антиқа турдаги юксак ахлоқ ва гўзал маънавиятни изоҳлаб ўтирмаймиз. Тартиб ҳам, ташвиқ ҳам, тақлиф ҳам қилолмаймиз. Чунки сиз сўзларни яланғочлаб оласиз: — Ота, ўдантириб қўйинг!

Туғли қийган машуқангизни еталаб кела оласиз, нақ отангизнинг қовушунинг олаига. Қолаверса, бопинқасида (қовушда эмас) сабзи кўрган ҳозирги ота ҳеч нарса тушунамайди — оёғи билан эмас, боши билан... Англагани шу бўлади: — Бу сабзини ошга тўйраб юборинглар!

## Ақбар ЖОНУЗОҚОВ тайёрлади.

Лафз. Бир қарашда оддий ўзбекча сўз. Зеро, камроқ ишлатилган лутф. Изоҳли лутфда бу сўзнинг маънолари бисёр. Хусусан, лафз — сўз, қалима тил ёқуд ваъда, аҳд қабиларни англатиши ўқтирилган. Яна лафзсиз — лафзидан, сўздан, аҳдидан турмаслиқдир. Умуман эса бундай лутф замирида ўзига хос орият, гурур каби маънолар ҳам борки, унинг туби сабрга бориб тақалади. Сабр эса иймонданандур. Билъакс, иймонсизга инсоф, диёнат ётир. Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Лафз» телефильмида воқеалар шарқона қадриятларга уйғунлиги учун ҳам томошабинни ром этди. Олти серияли фильм муаллифи ёзувчи Фарҳод Мусажонов, режиссёр Баҳодир Аҳмедов билан ҳамкорликда маънавий меросимиздан баҳра олишган.

Воқеаларнинг оҳиста ривожига аҳамият берилган. Девор дармиён қўшилар Қосимхўжа билан Абдутолип иноқ дўст. Фақат ноҳор. Турмушларини яхшилаш йўлида орзулашиб, дидил хулосага келадилар. Абдутолип сира тортинмай сигирини сотиб, Қосимхўжа пулини тутқазади. У қарвонга қўшилиб, хориж сафарига овланади. Ишлари юришса қарзини бериб, даромадни ҳам бўлишишга лафз қилади.

Телесериалга ёшларнинг соф муҳаббатини киритиш билан воқеа банд ва таъсирчанлик ошган. Қосимхўжанинги қизи Назира билан Абдутолипнинг ўғли Собир ўртасидаги муомала ибодли, тўғирроғи, пардалли. Бойларнинг ёш қизларга уйланимоқчи бўлгани-ю ва бахтсизлик оқибатлари бу асарда ўзгача ечим топган. Хусусан, қиз теран

фикр юритиб, дугонасининг отаси — таниқли табиб орқали ўзини бой-га касалманг қилиб билдиришини илтимос қилади. Бой эса аҳдидан қайтади.

Абдутолип қийин аҳволда. Қарзини ундиролмайди. Хотини эса хархаша қилади. Қосимхўжа иши юришмаётганини вақ қилаверади. Бинобарин, у бир неча марта Арабистонга бориб келган, савдоси ҳам яхши. Хонадонда бойваччалар каби турмуш тарзи. Сўровлардан нарчаб, зарда билан қарзини ярмини беради. Ўзи сафарга серкятнон. Бойиб бораётгани, бузғунлигини кўрганлар уни бузғунлик йўлига тортоқчи бўлади.

Унинг «оғайни сенга нима бўлди, йигит эдинг-ку?» каби дашномларидан кейин қарзининг қолганини ҳам қайтаради. Аммо сафардан кундузи келиб, тунда уйга хуфёна киришни одат қилади. Мақсад ўзини иши юришмаганга солиб, даромадни бўлишишдан кечини.

## ЛАФЗ ҲАМ ИЙМОНДАНДИР

## ҲИҚМАТОМУЗ ТЕЛЕФИЛЬМНИ КЎРИБ...

лар. Бундан Абдутолип хабардор. Унинг «оғайни сенга нима бўлди, йигит эдинг-ку?» каби дашномларидан кейин қарзининг қолганини ҳам қайтаради. Аммо сафардан кундузи келиб, тунда уйга хуфёна киришни одат қилади. Мақсад ўзини иши юришмаганга солиб, даромадни бўлишишдан кечини.

Харомники ҳаромага, ҳалолники ҳалолга деганларидек, илмга ташна ёлғиз ўғлининг оёқ-қўли шоланлиб қолади. Ўғлига даво истаб, елиб-оғуради. Бормаган жойи қолмайди. Ниҳоят, Бухорода зўр таъбиб борлигидан хабар топиб, кечаси бўлишига қарамай, ўғлини аравага ётқизиб, йўлга отланади.

10-15 қақирим дашту биёбон, отининг эгар-жабугидан хабар олаётганда жонивор хўрдиб, оёғи гилдирак остида қолади. Дод солиб, ёрдамга қақиради. Олисда гулхан ёқиб ўтирган дарвеш бу нидони эшиттади. Унга ёлборлади. Уйимга хабар етказинг, деб бир халтасча тангани унга узатади. Дарвеш эса: «Мен савоиб қилмоқчиман, савоиб шунча камки, одамлар буни ҳатто телбалликка йўқидилар» — деб нари кетади. Ноҳушлиқдан хабар топган Қосимхўжанинги хонадон аҳли ёрдамга чопадилар. Назира бориб Собирнинг эшигини тақиллатади. Собир ёрдамга шошилатади. У келиб, олисда тўхтаган арава ва Қосимхўжанинги мадад беради. Кейинги отанишда Қосимхўжа Бухоро табибига рўбарў кўради.

Фильмдаги ҳар бир кўриниш, гап-сўз ҳиқматомуз. Бошингга не келса, ўзингдан кўр, тилингдан, феълдингдан кўр деганларидек, бойликка хирс қўйган Қосимхўжа ҳар нарсадан саяломатлик авло эка-



ни англай бошлайди. «Ҳар ким қилса ўзига» деган ҳиқматни ҳис этади. Бу кўпроқ табиб билан мулоқотда ойдинлашади. Табиб: «Мен кишилар соғлиги ҳақида эмас, руҳий ҳолатлари ҳақида қайғураман. Мусибатнинг маъносини очишга интиламан»,— дейди. Аслида у табиб эмас, аллома эди. У айтиди: «Ўлгингиз соғ. Зеро, сиз ё завқангиз қилган гуноҳ болага ўрған. Қосимхўжа гангиди. Аллома пайғамбаримиз Мухаммад Саллоллоху Алайҳи ва салламдан сўзлайди: «Мунофиқда уч аломат: ёлгон сўзлайди, вадъасини бақармайди, омонатга хиёнат қилади». Қосимхўжа кўзларини катта очиб, дардидан ўглини кўтарганча гуноҳларини мағфират этишини сўраб тангирга мурожаат этади.

Фильм ана шундай поёнига етади. Қиссадан ҳисса шуки, Оллоҳ билувчи, кўргувчидир. Иқдорлар бу билан шу кунларда янгидан бой бўлиб, босар-тусларини билломлай қолганларга, ноҳорларга бепишанд қараб, саховат ва ҳимматни унутганларга ўзига хос сабоқни ишора қиладилар. Босини, лафз — мард, ҳалол, тангит инсонга хосдир. Лафзсизлик — бебурд, қатъиятсиз, бевафо, ориятсизликдан нишон. Барак эса рози-ризоликда. Лафз — кишини ўзбекона одобга, дунёвий маънода жентельменликка чоғлайди. Воқеа эса Ғиждувонда давом этади. Қосимхўжа ролин ижро этган Саид Мухторов, Абдутолип сиймосини яратган Аъзамжон Шокиржоновлар томошабин назарига тушилар. Фильмнинг ҳар бир серияси «Отлар сўзи — ақлнинг кўзи» каби одамларни мағфират ва ҳидоят йўлига бошлайди.

■ Мирзо АНВАР

## ТЕНГ ЯРМИ ЧОРАК ФИНАЛДА

Австралияда ўтказилаётган асримизнинг сўнги олимпиадасида якуновчи ҳафта бошланди. Яна бир неча кундан кейин яхши ниятда Сиднейга таширф буюрган 10 мингдан зиёд спортчилар қарий миң нафарини совриндор бўлганлиги аён бўлади. Ҳозирча эса ҳар бир очко, ҳар бир балл, ҳар бир сония учун қизгин ва муросасиз баҳс давом этмоқда. Боксчилар, футболчилар, енгил атлетикачилар, сузувчилар, оғир атлетикачилар, курашчиларнинг ҳар бири умид билан курашга шай турибди. Мамлакатимиз спортчилари ҳам юртларига қуруқ қайтмаслик учун бор маҳорат ва имкониятларини ишга сомоқдалар. Аввал бошида айтганимиздек, барча умидимиз ҳамон боксчиларга болганган. Олимпиаданинги совриндорларидан бири шу чарм қўлқоп усталари орасидан чиқса, ажаб эмас.

Маълумки, Сиднейга 10 нафар боксчимиз йўл олган. Олимпиада — бу олимпиада. Аввало бундай йирик анжуманда қатнашишнинг ўзи ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, олимпиадачи бўлган ўғил-қиз борки, сўзсиз қолиблик супасини кўзлайди. Боксчиларимиз ҳам ана шундай ниятни ўз олдидарига қўйишган. Ҳозир боксчиларимизнинг тенг ярим курашини давом эттирмоқда. Хусусан, Алишер Раҳимов, Рустам Саидов, Мухаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайлов, Руслан Чагаевлар ярим финални кўзлаб туришибди. Ярим финал дегани эса нақд бронза медалдир. Бронза ортида қумуш ёки олтин кўринса, нур устига аъло нур бўлур.

Албатта, вакилларимиз спортнинг 13 тури бўйича баҳсларда қатнашишга ҳозирлик қўришганди. Дзюдочиларимизга ҳам ишонган эдик. Лекин ҳаммаси майдонда аён бўлади деганларидек, етти нафар дзюдочидан фақат Алишер Мухторовгина 5-ўрин билан қаноатланиб, ҳоло. Аммо оғир вазни Абдулла Тангриевнинг келажаги порлоқ деса бўлади. 19 ёшли бу спортчи ўздан бир неча баробар оғир вазни бельгиялик дзюдочи билан курашиб, «ипон» усулида ағдариб ташлаганда олқинлар янгради. Лекин тажрибасизлик панд бериб қўйди. Шунингдек, мерганлардан Дилоҳ Мухторов ҳам 5-ўрин бўлди. Гимнастикчи Екатерина Хилько трамплинда машқ бўйича маҳорат кўрсатди. У мажбурий ва эркин машқларда 61 дан юқори балл тўплаб, финалчилар сафига 8-ўрин бўлди. Зеро, ҳал қилувчи чиқишлардан кейин Россия, Украина ва Канада спортчиларидан сўнг 4-ўрин билан қиёфоялинишга мажбур бўлди. Енгил атлетикачиларимиз ҳам кўнгидагидек қатнашмоқдалар, дейиш қийин. Ҳозирча найза улоқтирувчи С. Войнов 25, 100 метрга юрган Люба Перелова ва 27-ўринларда қолишди. Эркин ва юнон-рум курашчиларимиз ва эшқак эшувчилар эса совринди ўринларни кўзлаб туришибди.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

## ҚИТЧУ — ЧИР ЗАЙНАТЧИ

Бир аёл ишга кўзи кўкариб келди. Ундан сўрашди: — Кўзини қим қўқарттирди? — Эрим. — Ўз эримни командировкада деб ўйлагандик. — Мен ҳам. ...

— Зиналар ҳам шунақа баланд бўладими? — Икканчиси. — Тўтирчи ҳам жуда паст экан. — Ана қийм ҳам келаяпти, — деди ушбоғичи. ...

Поэзда икки киши гаплашганим: — Биласизми, менинг хотиним фаршати. — Бахтми экансиз. Менинг хотиним ҳамки тирик.

Учта маст поезид йўлида эммак-лак кетишяпти. Вирчоғичи:

■ Мирзо АНВАР

БОШ МУҲАРРИР АЗИМ СУЮН ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ Абдулла ОРИПОВ Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ Исломо ШОҒУЛОМОВ Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари) Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Ўзбекистана») Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози») Валерий ЛАБАРШНИХ (масъул котиб — «Голос Ўзбекистана»)

МУАССИС: ҲАҚИҚАТ О'ЗБЕКISTON DEMOKRATIK PARTIYASI ҲАҚИҚАТ О'ЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БЎЛИМЛАР: Сийosat ва ҳуқуқ — 133-44-55 Иқтисодийот — 133-76-04 Маънавият — 133-07-20 Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16 Аxbорот — 133-12-56 Котибият — 133-21-43 Реklama ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80 Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Андижонда — 25-16-16; Бухорода — 23-51-40; Гулистонда — 25-16-22; Жиззахда — 3-29-44; Навоийда — 3-39-20; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 222-70-12; Самарқандда — 35-20-54; Тошкентда — 136-53-16; Урганчда — 226-51-35; Фарғонада — 26-46-84; Қаршида — 4-61-35; Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМIZ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ. Навбатчи Сулаймон ҲАЙДАРОВ Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа қонфериси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳрирнинг рухсати билан ам